

Исҳоқжон домла Бегматовнинг «Жумъа мавъизалари» аудио жамланмалари



05:00 / 11.03.2017 8024

Исҳоқжон домла Бегматовнинг «Жумъа мавъизалари» аудио жамланмалари

Исҳоқжон Бегматов «Жумъа мавъизалари» 1-диск (MP3)


Ушбу аудиоҷамланмада Тошкент шаҳридаги «Тўхтабой» жомеъ масжидининг имом-хатиби, интернет-журналистика йўналиши бўйича «Олтин қалам» Миллий мукофотининг соҳиби, 2015 йилги «Йил имоми» танлови ғолиби Исҳоқжон домла Бегматовнинг қуйидаги мавзулардаги жума мавъизаларидан баҳраманд бўласиз.

Ислом – саломатлик ва офиятдир

Тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етайлик

Устоз ва мураббийлар ҳақида
Моддий ва маънавий исрофлар
Ҳасад балоси
Мусулмонларни кофирликда айблаш
Тил офатлари. Фатво сўраш одоблари
Бидъат ва унинг турлари
Муҳаррам ойининг фазилати. Ашуро рўзаси
Гиёҳвандлик иллоти

Image not found or type unknown




Исҳоқжон Бегматов «Жумъа мавъизалари» 2-диск (MP3)

Жамланманинг бу қисмида қуйидаги мавзулардаги жума мавъизаларидан баҳраманд бўласиз:

Оламларга раҳмат Пайғамбар
Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ
Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ
Фарзанд тарбиясида онанинг ўрни
Оила – бахт-саодат қўрғони
Эр-хотиннинг бурч ва масъулиятлари

Ота-она ризоси
Қайнона-келин муносабатлари
Қўшничилик ҳақида
Ёшларни зарарли иллатлардан сақлаш

Image not found or type unknown



ИСҲОҚЖОН ДОМЛА БЕГМАТОВ

Исҳоқжон домла Бегматов 1970 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида, зиёли оиласида таваллуд топган. Илк диний таълимни отаси мулла Муҳаммаджондан олган, 1994 йилда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтини тамомлаган. Оилали, олти нафар фарзанди бор.

Дастлаб Тошкент шаҳридаги Абулқосим номли мадрасада, ҳозирда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида мударрис бўлиб, ақоид ва фикҳ илмидан дарс бермоқда. «Илм олиш одоблари» китобининг муаллифи.

2002 йилдан Тошкент шаҳридаги «Тўхтабой» жомеъ масжидининг имом-

хатиби.

2011 йилда Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро марказида малака оширган.

2015 йилдан www.ummat.uz саҳифасини юритиб келади. Ушбу сайт 2016 йилги «Сарҳисоб» танловида ғолиб бўлган.

Исҳоқжон домла Бегматов 2016 йилда интернет-журналистика йўналиши бўйича «Олтин қалам» Миллий мукофотининг соҳиби бўлди.

Исҳоқжон домла Бегматов 2015 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Йил имоми» танловида биринчи ўринни эгаллаган.